



**ЎЗБЕКИСТОНДА МАЪНАВИЙ ЯНГИЛАНИШ
ЖАРАЁНИДА МИЛЛИЙ РАҚС САНЪАТИНИНГ ЎРНИ ВА
УНИНГ ТАРБИЯВИЙ АҲАМИЯТИ**

Назарова Иродахон Зайниддиновна

ФарДУ Санъатшунослик факультети

“Муסיқий таълим ва маданият” кафедраси ўқитувчиси

<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.8288301>

ARTICLE INFO

Received: 22th August 2023

Accepted: 27th August 2023

Online: 28th August 2023

KEY WORDS

Рақс санъат турлари, Ўзбек рақси, “Ўйнаётган ниқоблилар зали”, XIV асрнинг иккинчи ярмидан профессионал рақс, “Катта ўйин”, “Мақом ўйин”, “Қарсақ ўйин”, Ўзбек рақс санъати.

ABSTRACT

Ушбу мақолада рақс санъати инсоннинг маънавий ва руҳий олами ёритишга қаратилган, у томошабинларга кучли ғоявий-эмоционал таъсир кўрсатиши келтириб ўтилган. Мақолада халқ рақс санъатининг кўпгина турлари, айниқса, мусиқа билан узвий боғлиқлиги, шунингдек, халқ маросимлари ва байрамларининг таркибий қисми бўлиб келганлиги келтириб ўтилган. Қадимги рақс санъати қачон ва қаерда пайдо бўлганлиги ушбу мақолада баён қилинган.

Кириш. Мамлакатимизда маънавияти етук баркамол инсонни тарбиялаш умумдавлат даражасига кўтарилган бўлиб, бу борада давлат дастурлари асосида кенг кўламда самарали ишлар амалга оширилмоқда. Давлатимизнинг маънавий-маърифий ислохотларида санъат аҳлининг фаол иштироки ва ўсиб келаётган ёш авлоднинг онгу шуурига эзгулик ва нафосат, эстетик-маънавий камолотга муҳаббат туйғуларини сингдиришда, ўзбек миллий мусиқа ва рақс санъатининг ўрни ҳамда аҳамияти беқиёсдир. Миллий мусиқа ва рақс санъатида халқимизнинг энг мунаввар қадриятлари, инсоний фазилятлари, миллий анъаналари ифодаланиб келмоқда.

Тарихий тараққиётимизнинг ҳар бир қатламида яширинган маданий меросимизни ўрганиш, уни келажак авлод, ёшларимиз онгига сингдириш, миллий рақс санъатини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш мақсадида бугунги кунда Президентимиз Шавкат Миромонович Мирзиёев томонидан корхона, ташкилот ва муассасалар ишчи-ходимларининг бандлигини таъминлаш, ижтимоий-иқтисодий муҳофазасини ошириш борасида қабул қилинаётган қарорлар, касаба уюшмалари томонидан ишчи-ходимлар ва уларнинг оила аъзолари маънавиятини юксалтириш, маданий-маърифий тадбирлар ўтказиш орқали мазмунли ҳордиқ чиқариши учун шароит яратиш борасида амалга оширилаётган тизимли ишлар ҳақида сўзлари, ушбу соҳаларни ривожлантириш борасида чиқарилган фармон ва қарорлари, ёшларни санъатга жалб қилиш, уларнинг маънавий баркамолликка етказиш хозирги кунда мазкур санъат тури ўта муҳим аҳамият касб этмоқда. Инсон ҳаётида унинг улғайиши ва шахс сифатида шаклланиб боришида муסיқий тарбиянинг роли бениҳоят катта бўлиб,



у инсон туғилгандан, яъни гўдаклик даврида айтиладиган она алласидан то умрининг охирги кунларигача инсон билан ёнма-ён, шодлигу-хурсандчилик, қайғу-ғам, осойишта дамларини ҳам инсон мусиқа билан баҳам кўради, у билан дардлашиб, сирлашади.

Демократик ислохотлар жараёнида баркамол авлодни, комил инсон сифатида тарбиялаш ва шакллантириш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Натижада бу устивор йўналиш, ижтимоий-маданий маъно-мазмун касб этади ва мазкур ислохотларнинг қўламида маънавий юксак миллий ғояни рўёбга чиқаришга қодир бўлган янги баркамол авлодни, яъни комил инсонни вояга етказиш масаласи қўйилди. Буюк маданият ва маънавият эгаси бўлган халқимиз демократик тамойилларга асосланган янги ҳаёт, янги жамият пойдеворини қураётган бир даврда ҳозирги мураккаб ва шиддатли шароитда чинакам маънавиятли ва маърифатли одамгина миллий қадриятлари таркибида ўзбек миллий рақс санъати жамият маънавий ҳаётида санъатнинг бошқа турларига нисбатан таъсир этади.

Асосий қисм. Рақс - санъатнинг бир тури бўлиб, мусиқага монанд ритмик тана ҳаракатларида намоён бўлади. Қатор шарқ мамлакатларида мусиқий-рақсий ва пантомимик томошалар қадимдан кенг тарқалган.

Халқ маросимлари билан боғлиқ ҳолда хороводлар ва маросим ўйинлари пайдо бўлади. Хороводлар аста-секин маросим қобиғидан халос бўлиб, халқ турмушининг айрим томонларини акс эттира бошлайди. Халқ рақсида овчилик, чорвачилик, деҳқончилик ва ҳунармандчилик билан боғлиқ бўлган мавзулар, халқларнинг босқинчиларга қарши кураши мавзуи ҳамда лирик мавзулар ўз аксини топади. Жамоавий ижод бўлмиш халқ рақси устоздан шогирдга, авлоддан-авлодга ўтиб, ёйилиб ва такомил топиб боради. Уларда оёқ, қўл, бош ва тана ҳаракатлари умумий ритмга бўйсуниб, бир-бири билан узвий боғланади. Аммо ғарбий европада оёқ ҳаракатлари муҳим бўлиб, қўл ва тана ҳаракатлари уларга жўр бўлади. Шарқда эса қўл ва тана ҳаракатлари пластик ифодалиликнинг асосий воситаларидир. Ҳар қандай халқ рақсида ритм муҳимдир. Ритм мусикада ўз ифодасини топади ва тепки, қарсақ, занг ёрдамида ижрочилар томонидан ҳам қайд этиб борилади. Баъзан ижрочи ўзига-ўзи жўр бўлади. Айрим ўйинлар рўмол, пиёла, тақсимча, қадаҳ, шамдон, шляпа каби буюмлар билан ўйналади.

Рақс турли маданиятларда мавжуд ва ҳиссиётлар, ижтимоий алоқаларни билдириш шакли сифатида ижро этилади. Ўзбек миллий рақс санъати турли даврларда, асрлар давомида сақланиб, бугунги кунгача етиб келган ўзбек миллий рақс санъатининг маданиятимиз тараққиётида тутган ўрни ва аҳамияти, жамият маънавий ривожидан унинг мақомини орттириб, юксалтириб боришини ҳамда жамият маънавий янгиланишида ўзбек миллий рақс санъати, ўсиб келаётган баркамол авлодни маънавий дунёқарашини шакллантиришдаги омилларни ижтимоий-фалсафий жиҳатдан асослашга хизмат қилади.

Жамият маънавий янгиланиши жараёнида миллий рақс санъатининг ўрни ва унинг тарбиявий аҳамиятини ифодаловчи қуйидаги хусусиятларга эътибор қаратиш лозимлигини таъкидлаш лозим.

Рақс - инсоният пайдо бўлган илк даврлардаёқ туғилган ва санъатнинг энг қадимги, кенг тарқалган ва оммабоп турларига киради. Дастлаб рақс орқали



инсониятнинг меҳнат жараёнлари, ҳайвонларнинг ҳаракатлари ижро этиб келинган. Рақс гавданнинг бошланғич ҳолатидан ритмик гавда ҳаракатлари туркуми билан якуний ҳолатга ўтиш орқали вужудга келади. Ҳақиқий санъат меҳнатдан толиққан инсонга маънавий-руҳий куч, тетиклик, хушчақчақлик, ҳаётга-яшашга бўлган интилишларига қанот бағишлаган. Рақс санъати неча-неча асрлар давомида шакилланиб ривож топиб, ижодкор халқимиз томонидан йиллар оша яратилган рақслар ўзбек санъатининг ноёб дурдоналаридан бири бўлиб сақланиб келинмоқда. Ўзбек рақси шарқнинг маданият тарихи минг йиллар билан ўлчанадиган Хиндистон, Эрон, Япония сингари мамлакатларида равнақ ва шуҳрат топиб келган рақс санъатидан сира қолишмайдиган даражада яхши ривожланган баркамол, мураккаб бир санъатдир.

Ўзбек рақсининг қадимийлигини Ўзбекистон территориясидаги қоялардан топилган тасвирлар ва археологик топилмалар асосида аниқ исбот қилиб бериш мумкин. Тошларга чизилган хилма-хил ибтидоий суратлар орасида тош ва бронза даврига тааллуқли ниқоб кийган раққос ҳамда бир гуруҳ ўйинчиларнинг тасвирини кўриш мумкин. Ҳамза номидаги Санъатшунослик институтининг профессори Г.А.Пугаченкова раҳбарлигидаги экспедиция қатнашчилари топган бебаҳо санъат асарлари орасида эрамиздан аввалги III асрдан эрамизнинг VIII асргача бўлган даврга оид санъаткорлар ҳайкалчалари бўлиб, улар ичида ўйинчилар ҳам учрайди. Шу нуқтаи-назардан хусусан С.П.Толстов экспедицияси топган Хоразмдаги қўй қирилган қалъа (эрамизгача IV асрдан эрамизнинг IV асргача бўлган даврга оид) топилмалари эътиборлидир. Ушбу қадимий кўрғоннинг археологлар “Ўйнаётган ниқоблилар зали” деб атаган манзилидаги ниқоб кийиб ўйинга тушаётган эркак ва аёлларнинг оммавий рақси акс этган тасвирлар аждоқларимизнинг юксак рақс санъатидан гувоҳлик беради. Самарқанд, Шаҳрисабз, Бухоро, Тошкент раққос ва раққосаларининг шуҳрати V асрдаёқ бутун шарққа ёйилганлиги, ўзбек рақс усталарининг шарқ халқлари рақсларидан таъсирланиш билан бир қаторда уларга ҳам ўз таъсирини кўрсатганлиги тўғрисида аниқ далиллар мавжуд. Ўзбек рақс санъати халқ рақси ва профессионал рақс сифатида асрлар давомида ривожланиб келган. Профессional рақс дастлаб маросимлар билан боғлиқ бўлган, тахминан IV асрдан бошлаб маросимлардан чиқиб, инсон фаолияти ва руҳий оламини акс эттирувчи санъат сифатида кўзга ташланди. Араблар ва мўғуллар истилоси рақс санъати ривожига ҳам кескин зарба берди. XIV асрнинг иккинчи ярмидан профессионал рақс яна ўз қаддини тиклай бошлайди. Хусусан Навоий замонида Хуросон ва Мавороуннахрда рақс тараққий топди. Профессional рақс билан бир қаторда халқ ўйинлари сақланиб, ривожланиб борди.

Рақс санъати меҳнат, маросим ва эътиқод билан боғлиқ бадан ўйинларидан “Катта ўйин”, “Мақом ўйин”, “Қарсак ўйин” каби монументал рақс туркумларигача бўлган катта тараққиёт йўлини босиб ўтиб, халқимизнинг авлод-аждоқлари маънавий-маданий ҳаётида муҳим рол ўйнаб келган. Ҳукмдорлар, босқинчилар меҳнат аҳли орасидан етишиб чиққан истеъдод эгалари яратган рақс санъатини ўз мафкуралари томон буришга, ундан ўз манфаатлари, айшу ишратлари йўлида фойдаланишга, раққос ва раққосаларни камситиш, таҳқирлаш, инсоний ҳуқуқларини поймол қилишга тинмай уриндилар. Руҳонийлар эса рақс санъатини шаккоклик деб эълон қилдилар. Аммо халқ



рақси ўз эгаси-меҳнаткаш оммасига хизмат қилишда давом этди, унинг илғор анъаналари авлоддан-авлодга, устоздан шогирдга ўтиб яшади ва бизгача етиб келди.

Ўзбекистонда XIX аср ва XX аср бошида меҳнат ҳамда маросим билан боғлиқ бўлган, шунингдек, тоғликлар орасида расм бўлиб келган қадимий ўйинлардан ташқари халқ-профессионал рақс санъати ҳам мавжуд бўлиб, унда кўпгина хусусиятлари билан бир-биридан кескин фарқ қилиб турувчи Фарғона, Бухоро, Хоразм услуб-мактаблари қарор топди.

Ҳар бир ўзбек рақс мактабининг ўзи бир олам. Уларга содда ва лўнда қилиб қўйидагича таъриф бериш мумкин: Фарғона рақсларига гоҳ шўх ва тетик, гоҳ майин оқувчи ҳаракат, гавдани бир оз олдинга эгиб эркин, нафис тутиш, хилма-хил маъно кашф этувчи чиройли қўл ҳаракатлари хос бўлган. Бухоро ўйинчилари эса одатда товонни уриб-уриб, тиззани букиб, айни чоғда гавдани ғоз тутиб, виқор билан, кифт титратиб, аниқ шаклли, пухта қўл ҳаракатлари билан ўйнаганлар. Бухоро рақсида катта доирадаги чархлар муҳим ўрин тутган. Хоразм рақси учун эса тиззаларни сал-пал букиб, кифтларни тик тутиб, бутун танани ҳаракатга келтириб, билак ва бармоқлардан турли-туман чиройли шакллар ясаб, ўйноқи, шўх, оташин ўйнаш характерлидир. Хоразмда қайроқ билан ўйнаш кенг расм бўлган. Аммо умуман ўзбек рақсларида образлилик, мазмундорлик ҳал қилувчи рол ўйнаганки, бу етакчи хусусият барча мактаб ва услубларни бир-бирига боғлаб, ягона ўзбек рақсини майдонга келтирган.

Ўзбек рақс даҳолари яратган ғоявий-бадий жиҳатдан юксак рақслар халқимизни асрлар давомида инсонпарварлик, она-Ватанга муҳаббат, жасорат, фидокорлик, курашчанлик, гўзал ахлоқ-хулқ руҳида тарбияланиб, айнан шундай хусусиятлар баркамол инсоннинг фазилатларидир. Баркамол инсонни вояга етказиш, халқ орасида ҳақиқий инсонийлик муносабатларини шакллантириш, ўзбек халқининг мероси бўлган мумтоз рақслар бугунги кунда муҳим эстетик тарбия воситаси сифатида хизмат қилмоқда. Рақс санъати ўзига хос мазмун ва чуқур маънога эгалиги билан халқ қалбига яқинлиги, инсоннинг эстетик фаоллиги унинг онги, билими ва бадий дидига бевосита боғлиқ. Инсоннинг бадий диди ва билими қанчалик юқори бўлса, инсон фаолияти шунчалик сермазун, ғоявий жиҳатдан юксак маданиятли бўлади.

Ўзбек миллий санъати, айниқса рақснинг инсониятга эстетик завқи, хушқайфият бахш этиши, ва мамлакатимизнинг гўзал маданиятини жаҳонга ёйиш, халқ дипломатиясини ривожлантиришнинг гўзал маданиятини беқиёсдир. Ўз навбатида, бундай маданий дипломатия халқлар ўртасидаги ўзаро дўстлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш, ижодий ҳамкорлик ва алоқаларни кенгайтиришга хизмат қилади. Жамиятнинг барча жабҳаларида амалга оширилаётган кенг кўламли оламшумул ислохотларнинг самарадорлиги, аввало, бой тарихий меросимизнинг изчил ўрганилиши, умрбоқий анъаналаримизнинг қайта тикланиши, илм-фан, маданият ва санъатнинг ривожини, энг муҳими юртдошларимиз тафаккур тарзининг янгиланиши билан узвий чамбарчас боғлиқдир.

Рақс санъатининг мумтоз, лирик, қаҳрамонлиқ, ҳазил-мутойиба, фольклор, меҳнат ва жуда кўп турдаги рақслари сақланиб келинмоқдаки, унда халқнинг ҳар бир даврга хос яшаш турмуш тарзини аниқ, равшан ифодаланади. Илмий нуқтаи назардан



қаралганда муסיқа ва рақс инсон хаётида мухим ўрин тутувчи, унинг маънавий оламини, дунёқарашини кенгайтирувчи ва маънавий эхтиёжини қондирувчи асосий воситалардан бири хисобланади.

Халқ рақс санъати ашула ва муסיқа билан чамбарчас боғланган бўлиб, бу анъана ҳозирги кунгача ҳам давом этиб келмоқда. Шу сабабдан, бугунги кунда республикамизда халқ бадий ижодиётининг энг ривожланган тури фольклор-этнографик ансамбллари маданий ҳаётимизда олдинги ўринларда туради. Рақс санъати кишиларни гўзаллик ва нафосат оламига етаклайди, ёш авлоднинг маънавий дунёсини ҳар тамонлама бойитади, такомиллаштиради, олижаноб фазилатларни ривожлантиришга кўмак беради. Рақс-инсон ороми, завқ-шавқидир. Давлатимиз инсон бахт-саодати йўлида ҳамиша ғамхўрлик қилиб унинг ҳар тамонлама камолатга эришишда барча имкониятларни яратиб бермоқда, ҳар бир кишининг шахсий қобилиятларини тўла рўёбга чиқариш, барча меҳнат аҳлини эстетик тарбиялаш, кенг халқ оммасида бадий дид ва маданий малакани шакллантириш борасида тинмай ғамхўрлик кўрсатмоқда. Шунинг учун ҳам республикамизда халқ бадий ижодиётнинг энг оммавий турларидан бири бўлган рақс санъати кенг доирада ривож топмоқда. Халқ ижодининг дурдоналари меҳнаткаш омманинг қобилиятли вакиллари томонидан ижод этилади, оғиздан-оғизга кўчиб, устозлар шогирдларга ўргатадилар, шу тариқа унинг бойиб боришига ўз хиссаларини қўшадилар, такомиллаштирадидилар, бошқа вариантларини яратадилар¹. Натижада Республикамининг барча вилоятларидаги бир неча туманларида бир эмас, бир нечталаб ашула ва рақс ансамбллари гуркираб ўса бошлади. Жойлардаги фаолият юритаётган илғор маданият ходимлари бўлган ҳонандалар, созандалар, раққосаларга услубий ва амалий ёрдам бериш учун малакали мутахассислар, бастакорлар, балетмейстерлар амалий ёрдам кўрсатиб келиш жараёнида бир қанча янги ансамбллари ташкил қилишда, репертуарларини бойитишда ва юксалтиришда ҳамда такомиллаштиришга кўмак бериб, ўз хиссаларини қўшмоқдалар. Бу борада шуни таъкидлаш жоизки, бугунги кунда олдимизда турган вазифалар талайгина. Булар — кадрлар тайёрлаш жараёнига соҳанинг етук ва малакали мутахассисларини жалб қилиш орқали илм-фан ва таълимнинг ўзаро интеграциясини таъминлаш, рақс санъати бўйича юқори малакали бакалавр ва магистрларни, шунингдек, ушбу соҳада чуқур тадқиқотлар олиб боровчи илмий ва илмий-педагог кадрларни тайёрлаш, илмий тадқиқотлар натижалари бўйича маънавий-маърифий ва илмий-оммабоп адабиётларни тайёрлаш ва нашр қилиш, талаба-ёшларни қўллаб-қувватлаш мақсадида маҳаллий ва халқаро грантлар асосида уларнинг хорижда таълим олиши, илмий-ижодий ишлар олиб боришини самарали йўлга қўйиш, ҳамкорликдаги концерт дастурларини ташкил этиш, кадрлар илмий салоҳиятини ошириш, илмий-ижодий фаолиятни янада ривожлантириш, иқтидорли талаба-ёшларни ушбу йўналишга кенг жалб этиш, соҳа мутахассисларини хорижий турдош олий таълим муассасаларида қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, тажриба ошириш тизимини ташкил этиш, талабаларнинг илмий-тадқиқот муассасалари базаларида ҳамда хорижий мамлакатларнинг етакчи ташкилотларида тизимли

1. Рақс жамоаси билан ишлаш услубиёти. Н.Абрайқулова. -Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги халқ нашриёти. 2003 йил. -Б 8-9.



равишда қисқа ва узоқ муддатли амалиётларни ташкил этиш каби ишларни бажариш тизимли мақсад қилиб қўйилган.

Бу ўзаро алоқадорлик, мажмуанинг тадрижий ривожига жараёнида, уни ташкил қилувчи қисмлар тараққиётининг ички заруриятидан келиб чиқади.

Бундай фаолият нафақат маданий балки маънавий соҳасини, ҳамда жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий, соҳаларига ҳам ўзининг ижобий таъсирини кўрсатади ва инсонни эзгу мақсадларга асосланган туб ўзгаришларнинг янада такомил босқичига олиб чиқади.

Хулоса ва таклифлар. Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб шундай таклифларни илгари суришимиз мумкин. Жамият маънавий янгиланиши жараёнида миллий рақс санъатининг ўрни ва унинг тарбиявий аҳамияти миллий қадриятларимизни эъзозлаш ва уларга ҳурмат нуқтаи-назардан қараш билан ўзлаштиришларида ўзбек миллий рақс санъати анъаналарининг типологияси ва ўзига хос миллий хусусият ва омилларини фалсафий жиҳатдан юксалтириш ва замонавий илм-фаннинг илғор ютуқларини амалиётда қўллаш оладиган юксак илмий салоҳиятга эга бўлган зиёли инсон сифатида тарбиялаш жараёнидаги камчиликларни бартараф этишга ёрдам беради. Жамиятимиз ёшларининг ўзбек миллий рақс санъатига ижодий муносабатни ривожлантириш воситалари сифатида кўриб чиқилган омиллар доимо такомиллашувда бўлиб, уларнинг барчаси ворисийлик тамойили асосида вужудга келади ҳамда рақс топади.

Хулоса ўрнида шуни айтишимиз лозимки:

1. Ўзбек миллий рақс санъатининг юксалиши, мамлакатимизда миллий рақс санъатини ривожлантиришга қаратилган дастур ва режалар асосида кенг кўламли ишлар амалга оширилиб, миллий мумтоз меросимизни асраб-авайлаш, уни ёш авлодга безавол етказиш билан унинг ижтимоий-маданий тараққиёти, фаолияти ҳамда мақсадларининг яхлит тизимидаги жараёнлари илмий-назарий жиҳатдан тадқиқ этилди.
2. Жамиятимиздаги ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар, илм-фан тараққиёти бевосита ёшлар дунёқараши шакилланиб, дунё халқларининг ижтимоий-сиёсий тараққиёти мислсиз даражада ривожланиб, глобаллашув жараёнининг қамрови ғоят кенг кўламли кенгайиши натижасида цивилизациянинг тақдири ва барқарорлиги улуғ аждоқларимиз томонидан яратилган маданият яъни ўзбек миллий рақс санъатининг назарий-методологиясини ахлоқий-эстетик жиҳатлари асослаб берилиши
3. Ўзбек санъати шарқдаги энг қадимий санъатлардан бири бўлиб, кўп йиллар мобойнида ривожланиб келган бу санъат халқ маънавий ва маданий бойлигининг ажралмас бир қисми сифатида эътироф этилади. Улар орқали жамиятни интеллектуал жиҳатдан юксалтириш, ёшларда ижтимоий-маънавий янгиланишлар жараёнида фаол иштирок этиш имконияти ва маданиятини ривожлантириш лозим.
4. Маънавий маданиятдаги ижтимоий ўзгаришлар жараёни ва унинг шахс интеллектуал салоҳияти ривожига таъсири асосан жамиятдаги ижтимоий барқарор ижобий ҳолатларда устувор аҳамият касб этади. Ўзбек миллий рақс санъатини шакллантиришнинг интеграцион мезонлари ва даражалари шахс ва жамият



интеллектуал салоҳиятини ривожлантиришнинг ўзига хос омилларига бевосита боғлиқ бўлиб, уларнинг ҳар тамонлама ривожига устивор аҳамият берилиши зарур.

5. Ўзбек миллий рақс санъатини шакллантиришнинг интегратив йўллари юртимизда маънавий баркамол инсонни тарбиялаш умумдавлат илм даражасига кўтарилган. Ҳар бир миллатнинг гўзаллиги, жозибаси, тароватини намоён қилувчи санъати, маданияти мавжуд. Янги Ўзбекистоннинг маънавий-маърифий ислохотларида, санъат аҳлининг фаол иштироки ва ўсиб келаётган ёш авлод онгу шуурига эзгулик ва нафосат, эстетик-маънавий камолотга муҳаббат туйғуларини сингдиришда ўзбек миллий мусиқа рақс санъатининг ўрни ҳамда инсоний фазилатлари, миллий анъаналари қарор топишига олиб келади.

6. Ўзбек халқ рақси ўзбек профессионал рақсини ўзида мужассамлаштирган бўлиб, фақат аксарият ҳолларда уларни маҳаллий ҳаракатлар ва шакллар билан тўлдириб туради. Жамиятнинг янги ривожланиш босқичида ислохотлар ёш авлод манфаатларини таъминлашни кучайтиришга қаратилган. Бу борада мумтоз рақс санъатида ҳам ички ҳиссиётлар кечинмаларини кўриш мумкин. Ўзаро алоқадорлик, мажмуанинг тадрижий ривожига жараёнида, уни ташкил қилувчи қисмлар тараққиётининг ички заруриятдан келиб чиқиб, рақсларни саҳналаштирувчи, унинг мумтоз нухасини яратувчи иккита асосий ижро усули синфланади.

7. Ҳозирги кунда Фарғона, Хоразм ва Бухоро рақс мактаблари ўз жозибаси, характери, услуби, кўриниши жиҳатидан бир биридан фарқ қилиб, ўз йўналишига эгадир. Лекин айни кунларда кўплаб ансамбллар ва яккахон ижрочилик намуналарида рақс мактабларининг ўзига хослиги ва хусусиятлари тўлақонли ифодасини топмаганлиги, унинг натижасида мавжуд учта рақс мактабининг услубий сифатларидан йироқлашиш ва ўзаро қоришиқ ҳолатлар юзага келаётгани кузатилган.

References:

1. Рақс жамоаси билан ишлаш услубиёти. Н.Абрайкулова. -Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги халқ нашриёти. 2003 йил.-Б 8-9.
2. Абдуллаев Х. У. Санъат тарихи Тошкент Санъат 2001.
3. Madayev O. Abdullayev X.U. San'at tarixi. – Toshkent: San'at. 2001 Abdullayev X.U. San'at tarixi. – Toshkent: San'at. 2001.
4. Ойдинов Н. Ўзбекистон тасвирий санъати тарихидан лавҳалар. – Тошкент: Ўқитувчи, 1997 йил.
5. Ashirov A. Atadjanov Sh. Etnologiya. - Т. 2007.
6. Имямин Қирғизов, Имомова Одинахон //ЁШ АВЛОДНИНГ МАЪНАВИЙ –АХЛОҚИЙ КАМОЛОТИДА ГЕНДЕР ТЕНГЛИК РАҲИМАХОНИМ МАЗОХИДОВА ТИМСОЛИДА САНЪАТКОР ХОТИРАСИ// SCIENCE AND INNOVATION INTERNATIONAL SCIENTIFIC JOURNAL VOLUME 1 ISSUE 7. October 2022. 108-117 pages.
7. Nazarova, I.Z. (2022, May). FACTORS IN THE ART OF NATIONAL DANCE IN YOUTH EDUCATION. In *International Scientific and Current Research Conferences* (pp. 38-40).
8. SHakirov. T.N. 2002) SUCCESSION THE MAIN PRINCIPLE OF DEVELOPMENT OF NATIONAL MUSIC CULTURE. *Oriental Journal of Social Sciences*, 2(06), 1-10.



9. Nurmamatovich, S. T. (2023). МУҚАДДАС ИСЛОМ ДИНИМИЗДА МУСИҚАГА МУНОСАБАТ. *Finland International Scientific Journal of Education, Social Science & Humanities*, 11(5), 1176-1184.
10. Шокиров, Т. (2023). МАҚОМ ЯККА ХОНАНДАЛИГИДА ОВОЗЛАР ВА АНСАМБЛДА КУЙЛАШ. *Наука и инновация*, 1(8), 141-145.
11. Шокиров Тохиржон Нурмаматович //МИЛЛИЙ МУСИҚА МАДАНИЯТИ ВА УНИНГ РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ (фольклор, дostonчилик, мақом мисолида)// SCIENCE AND INNOVATION INTERNATIONAL SCIENTIFIC JOURNAL. № 3, 2022. 31-38 pages.
12. Najmetdinova, M. (2023). YOSHLAR AXLOQIY TARBIYASINI YUKSALTIRISHDA OMMAVIY-MADANIY TADBIRLARNING FALSAFIY TAHLILI. Евразийский журнал социальных наук, философии и культуры, 3(6), 17-24.
13. Najmetdinova, M.M. (2023). YOSHLARNING ESTETIK TARBIYASINI SHAKLLANTIRISHDA-AJDODLAR MEROSINING TUTGAN O'RNI. *Finland International Scientific Journal of Education, Social Science & Humanities*, 11(5), 1185-1191.
14. Нажметдинова, М., & Жўрабоева, Х. (2023). МАҚОМ САНЪАТИ ВА УНИНГ ЁШЛАР МАЪНАВИЙ ДУНЁҚАРАШИГА ТАЪСИРИ. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 3(2), 813-817.
15. Турсунова, Л. (2023). ЁШЛАР МУСИҚА МАДАНИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШНИНГ ИЖТИМОИЙ-ФАЛСАФИЙ ОМИЛЛАРИНИ ҲАЁТГА ТАДБИҚ ЭТИШ. Евразийский журнал социальных наук, философии и культуры, 3(5 Part 2), 23-34.
16. Sultonali Mannopov, Abdulhay Karimov, Abdusalom Soliev, Ulugbek Isakov, Tokhir Shokirov, Rustam Orziboev //Development of Uzbek National Singing Art during Independence// *Annals of R.S.C.B.*, ISSN:1583-6258, Vol. 25, Issue 4, 2021, Pages. 6845-6853.
17. Нажметдинова Мавлуда Мамасодиқовна //ОММАВИЙ-МАДАНИЙ ТАДБИРЛАРНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШНИНГ ИННОВАЦИОН ОМИЛЛАРИ// *Oriental Renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*. VOLUME 2 | ISSUE 10/2. October 2022. 584-588 pages.